

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Surxondaryodonmahsulotlari” AJ
aksiyadorlarining 2016 йил 28 июл-
даги умумий йиғилиш қарори билан
БАЁННОМА №5



«Surxondaryodonmahsulotlari»

aksiyadorlik jamiyati

Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисидаги
НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва **“Surxondaryodonmahsulotlari” aksiyadorlik jamiyati** (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталувчи) Уставига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур низом **“Surxondaryodonmahsulotlari” aksiyadorlik jamiyati** ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолият тартибини, ижроия органи аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1.3. Жамиятнинг ижроия органи - Бошқарув деб номланиб, 5 (беш) кишидан иборат бўлади. Жамиятнинг бошқаруви коллегиял ижроия органи бўлиб, унга ўз лавозимларига кўра жамият бошқарувининг раҳбари - бошқарув раиси, директорлар, бош ҳисобчи ва жамиятнинг бўлим бошлиқлари сайланиши (тайинлаши) мумкин.

1.4. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бошқарув томонидан амалга оширилади.

1.5. Ижроия органи тўрисидаги низом, унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

1.6. Агар ушбу низомда келтирилган нормалар амалдаги қонунчилик ва жамият уставига зид келса, бундай ҳолатда амалдаги қонунчилик ва устав нормалари ҳақиқий ҳисобланади.

2. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.2. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари бир йил муддатга сайланади (тайинланади), уларни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор оддий кўпчилик овоз билан кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

2.3. Бошқарув таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Кузатув кенгаши раиси контракт тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган контракт тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.4. Бошқарув раиси ва аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин. Жамият бошқарув раиси ва аъзолигига номзод ўзининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида кузатув кенгаши аъзоларига маълум қилиши шарт.

2.5. Жамият бошқарув раисининг ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш

мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси томонидан имзоланади. Жамият бошқарувининг раиси ва аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилади.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда кузатув кенгашининг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

2.7. Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси ёки бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни, агар улар шартнома шартларини бузган тақдирда, жамият уставини қўпол тарзда бузганда ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилганда, жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилиши барбод қилинганда, жамиятнинг молиявий аҳволи жиддий равишда ёмонлашганда ва давлат бюджети олдида барқарор қарздорлик пайдо бўлганда муддатидан илгари бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3. БОШҚАРУВНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Бошқарув ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Бошқарув акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

3.3. Бошқарув жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганади ва ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

3.4. Бошқарув аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият кузатув кенгаши, бошқарувнинг қарорлари ва бошқарув раисининг кўрсатмалари доирасида ҳаракат қиладилар.

3.5. Бошқарув аъзоси жамият билан битим тузишда аффилиланган (манфаатдор) эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

4. БОШҚАРУВ РАИСИ

4.1. Бошқарув раиси ўз фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни ўз ваколати доирасида мустақил ҳал этади.

4.2. Бошқарув раиси бошқарув аъзолари билан биргаликда жамиятга қаршли шўба корхоналари, филиаллари ва қарам хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солади.

4.3. Бошқарув раиси:

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда жамиятнинг манфаатларини ифодалаш, жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- акциядорлик жамиятининг устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилиш.

- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;

- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш ҳуқуқига эгадир.

4.4. Бошқарув раиси вазифалари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- ишлаб чиқариш бўлимлари, цехлар ва жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- жамият томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси қандай бажарилаётгани тўғрисида ҳар чоракда Кузатув кенгашига ҳисобот бериб бориш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этилишини таъминлаш;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
 - жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
 - хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
 - жамиятнинг коллегиял ижроия органи (бошқарув) мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, жамият номидан ҳужжатларни ва бошқарув мажлиси баёнларини имзолаш;
 - жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;
 - ижро интизоми, меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши;
 - ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;
 - жамоа музокараларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
 - ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
 - амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олинishi, акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
 - ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.
- 4.5. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари бошқа ташкилотларда фақатгина Кузатув кенгаш қарорига мувофиқ кўшимча лавозимларда ишлашлари мумкин.
- 4.6. Бошқарув раиси ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаш қарорлари ҳамда ушбу низомга мувофиқ амалга оширади.
- 4.7. Бошқарув раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузилган контрактда олдиндан келишиб олинади.
- 4.8. Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси билан тузилган шартномаларни, агар у шартнома шартларини бузган тақдирда, жамият уставини қўпол тарзда бузганда ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилганда, жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилиши барбод қилинганда, жамиятнинг молиявий аҳволи жиддий равишда ёмонлашганда ва давлат бюджети олдида барқарор қарздорлик пайдо бўлганда муддатидан илгари бекор қилиш ҳуқуқига эга.
- 4.9. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси унинг ўз хоҳиши билан ҳам бекор қилиниши мумкин (бошқа ишга ўтиши, соғлигининг ёмонлашуви ва бошқа сабабларга кўра)

5. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

5.1. Бошқарувнинг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув томонидан кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда акциядорлик жамиятининг бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади. Бошқарувнинг фикри ҳақида кузатув кенгашида ва акциядорларнинг умумий йиғилишида бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган ижроия орган аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

5.2. Бошқарувнинг мажлисини бошқарув раиси ёхуд кўриб чиқилаётган масалалар тегишлилиги бўйича бошқарув аъзоларидан бири олиб боради.

5.3. Бошқарувнинг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг 80 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.4. Жамият бошқарувнинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар бошқарув мажлисида овозлар тенг бўлса, бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи овозга эга.

5.5. Мажлисда баённома юритилади.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

5.6. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бошқарув раиси ва аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

6.2. Бошқарув раиси ва аъзолари жамиятнинг мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

6.3. Бошқарув аъзолари аъзолик даврида фаолияти Жамият маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

6.4. Бошқарув раиси ва аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият уставига

мувофик акциядорлик жамиятига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлик ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб берадилар.

6.5. Жамиятга зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган бошқарув аъзолари жавоб бермайдилар.

6.6. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида бошқарув аъзоларига ёки бошқарувнинг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир

6.7. Бошқарув раиси ва аъзолари жамият билан битим тузишда аффилиланган (манфаатдор) эканлиги тўғрисидаги маълумотларни яширганлиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

7. БОШҚАРУВНИНГ ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

7.1. Бошқарувнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси билан муносабатлари жамиятнинг устави, мазкур низом ҳамда бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган контракт шартларига мувофик амалга оширилади.

7.2. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг қарорлари бошқарув томонидан шартсиз равишда ижро учун қабул қилинади. Бошқарув раиси ўз ваколатлари доирасида акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг ижросини таъминланишини ташкил этади.

7.3. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига ҳисобдордир.

7.4. Бошқарув раиси ҳар чоракда Кузатув кенгашига ва ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишига жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисобот беради.

8. БОШҚАРУВГА ТўЛАНАДИГАН МУКОФОТЛАР

8.1. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар (командировка, касаллиги туфайли вақтинча ишга яроқсизлик бўйича тўловлар, жамоа шартномасида кўзда тутилган тўловлар) билан биргаликда чорак якунлари ва йил якунлари бўйича ҳам мукофотлар тўланади.

8.2. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

8.3. Чораклик мукофотлар бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига жамият томонидан ўша чоракда бизнес-режанинг даромад ва соф фойда бўйича кўрсаткичлари бажарилган тақдирда, объектлар муддатидан аввал

топширилганда, байрам муносабатлари билан ва бошқа ҳолларда тўланиши мумкин.

8.4. Молиявий йил яқунлари бўйича бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофот йиллик бизнес-режанинг даромад ва соф фойда бўйича кўрсаткичлари оширилиб бажарилган тақдирдагина акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан тўланиши мумкин. Бунда йил яқунлари бўйича бошқарув раиси ва аъзоларига туланадиган мукофотнинг умумий миқдори йил яқунлари бўйича олинган соф фойданинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.5. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотлар жамиятнинг бизнес-режасининг харажатлар сметасида кўзда тутилади ва тўловлар учун манба сифатида жамиятнинг пул маблағлари ҳисобланади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради.

9.2. Амалдаги қонунчилик ва жамият уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ушбу низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

9.3. Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги таклифлар акциядорларнинг йиллик ёки навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш тартиби асосида берилади.

9.4. Ушбу низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради.

9.5. Бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ушбу низомда кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.